

## **ЗАМОНАВИЙ ВА АНЪАНАВИЙ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ТИКЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

**Зикирилло ЯЗДОНОВ**

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Шароф Рашидов номидаги

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада ўзбек халқининг тарихдан шаклланиб келган ва бугунги кунда амалда мавжуд бўлган экологик анъаналарини тараққий эттириш йўллари ҳамда муаммолари, шунингдек ўзбек халқ анъанавий ва замонавий экологик маданиятини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** экология, замонавий экология, анъаналар, табиат, жамият, маданият.

## **ПРОБЛЕМЫ ВОССТАНОВЛЕНИЯ И РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ И ТРАДИЦИОННОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

**Зикирилло ЯЗДОНОВ**

доктор философии (PhD) по философским наукам

Самаркандский государственный университет

имени Шарофа Рашидова

Самарканд, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье рассматриваются пути и проблемы развития экологических традиций узбекского народа, формировавшихся на протяжении всей истории и сохраняющих актуальность и сегодня, а также проблемы развития традиционной и современной экологической культуры узбекского народа.

**Ключевые слова:** экология, современная экология, традиции, природа, общество, культура.

Шахс маънавий камолоти унинг мантикий тафаккурида ўз ифодасини топади. Инсон табиат, жамият, тафаккур қонунларини ўрганиб ундан ҳукм, ҳулоса чиқаради, уларга руҳан, маънан таъсир ўтказади. Шундай экан, табиатни асраб-авайлаш инсонларнинг маданияти билан уйғунлашиб кетгандагина инсоният учун катта фойда бериши мумкин. Бизнинг табиатга бугун қай даражадаги маданият билан муносабатда бўлишимиздан келажак авлод манфаатдордир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда барқарор экологик вазиятни, табиий атроф-муҳит мусавффолигини сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг муҳим субъектив омили бўлган экологик онг ва маданиятни

янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. ....бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин” [1;570]. Шу сабабли республикамизда экология соҳасида таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишлари аҳволини яхшилаш билан бир қаторда ўзбек халқ экологик маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш тенденцияларининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириб бориш бугунги кунда объектив зарурат ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, фан маълум даражада ижтимоий билиш формаси сифатида қадимдан мавжуд, лекин у дарҳол моддий ишлаб чиқаришнинг назарий асоси ролини ўйнамаган. Қулдорлик тузумидагина эмас, балки феодализмда ҳам табиат ҳақидаги илмий-назарий билимларнинг тўпланиш жараёни соф эмпирик ҳолатда бўлиб, ишлаб чиқаришга сезиларли таъсир кўрсатмаган [5;159]. Фан-техниканинг ҳақиқий тараққиёти мануфактура ишлаб чиқаришидан бошланган. Мана шу даврда фан ишлаб чиқаришга татбиқ этила бошланди, фанда асосий инқилоб юз берди. Бу даврда, асосан саноат ривож топди. Ҳаётдаги бу ўзгаришлар кишилик жамиятининг гуллаб-яшнашига олиб келиши билан биргаликда бир қанча янги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Ана шундай муаммоларнинг бири ва энг муҳими табиатга келтирилган зарардир. Ерлар, дарёлар заҳарланди, ҳаво ифлосланди, ҳатто кислород Япония каби мамлакатларда сотиладиган бўлди. Умуман, ер шарида кислород ҳаддан ташқари кўп сарфланмоқда. Чунки «Сайёрамиздаги ўрмонлар тезлик билан йўқолиб бормоқда. Бунинг оқибатида атмосфера ҳар йили 75 миллиард тоннага қадар кислородни кам олаяпти» [6;126]. Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги тамаддун асрида 5 миллион 800 минг квадрат километр майдонда тропик ўрмонлар кесиб олинган; 6 миллион 800 минг квадрат километр майдонда чорва моллари ҳаддан зиёд кўп боқилган; 1 миллион 370 минг квадрат километр майдонда дарахтлар ўтин учун кесилган; 1 миллион 95 минг квадрат километр майдон йўллар ва заводлар қуришга ажратилган; 5 миллион 500 минг квадрат километр ер эса

ирригация ва мелиорация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, зироатчилик, озиқ-овқат етиштириш учун мутлақо яроқсиз ҳолга келган [2;5-6]. Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам табиатни асраб-авайлаш қанчалик зарур эканини, бунинг учун барча имкониятларни сарфлаш муҳимлигини кўрсатиб турибди. Баъзи йирик шаҳарларда табиий кислород етишмаслигининг ўзи ғоят катта экологик ҳалокатдан дарак берувчи нишонадир. БМТнинг Рио-деЖанейро конференциясида шундай дейилган эди: «Инсоният ҳал қилувчи тарихий даврни бошидан кечирмоқда: цивилизация билан табиат ўртасидаги зиддиятлар сўнги нуқтасига етди. Тараққиёт айна шу йўл билан давом этса, глобал экологик фалокатларга олиб келади» [3]. Мана шу ҳолнинг ўзида инсониятга катта вазифалар қўядиган икки ҳолат бор. Унинг биринчиси – одамларни табиий кислородни ишлаб чиқарадиган ўсимликлар оламига муҳаббат руҳида тарбиялаш бўлса, иккинчиси – ҳар бир илм кишисини, ҳар бир ихтирочини ўзининг ижодий фаолиятида ҳаво ва ўсимликлар дунёсига ҳавф солмайдиган янгиликлар ва ихтиролар яратишга ундашдир. Яъни ҳар бир олим, ҳар бир ихтирочининг табиатга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиши ундаги одатий маданият даражасига етсин. Республикамизнинг ҳар бир фуқаросига бундай тарбия бериш, аввало ҳар бир хонадондан, болалар боғчаларидан, мактаблардан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан бошланиши зарур. Мактабларда экология дарслари юқори савияда олиб борилиши лозим. Аввало бундай дарслар учун дарсликлар керак. Экологияни тарғиб этадиган дарсликлар учун бугун бир олам манба мавжуд. Бундай манба, аввало, ота-боболаримиз қолдирган улкан мерос ва қадимий аجدодларимиздан бизга қадар сақланиб келаётган анъана ҳамда урф-одатлар, қадриятлардир.

Ушбу анъана ҳамда қадриятлар асосида дунё миқёсида табиат муҳофазасига қаратилган, қушларни муҳофаза қилиш бўйича дастлабки халқаро конвенция 1950 йил Парижда имзоланган. Ҳозирда БМТнинг 14 та махсус муассасаларидан олтитаси табиатни муҳофаза қилиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. 1972 йил 5 июнда Швеция пойтахти

Стокгольмда БМТнинг табиатни муҳофаза қилишга бағишланган конференцияси бўлиб ўтди. Шундан буён 5 июнь дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида ҳар йили «Жаҳон атроф-муҳит муҳофазаси куни» сифатида байрам қилинмоқда. Бу куннинг мақсади – ҳозирги экологик вазиятга дунё жамоатчилиги эътиборини жалб қилиш ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатларни кучайтиришдан иборатдир. Стокгольмда қабул қилинган «Атроф-муҳит соҳасидаги ҳаракат дастури»га одамлар соғлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, тупроқ ва сувни муҳофаза этиш, чўлларнинг кенгайишига қарши курашиш, экологик таълим бериш самарадорлигини ошириш, ахборот тарқатиш ишларини яхшилаш, денгиз ва океанларни асраш, ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар ва генетик ресурсларни муҳофаза қилиш, энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқалар киритилди [8;114].

Экологик таҳдидларга БМТ даражасида эътибор қаратилаётганининг сабаби кейинги даврда фан ва техника тараққиёти натижасида инсоннинг табиатга таъсир доираси кенгайиши билан янги муаммолар юзага келди. Катта шаҳарлар атрофида, умуман, ер юзида радиоактив, химиявий-заҳарли чиқиндилар тўплана бошлади. Муаммонинг кўлами ва салмоғи ортгани сари табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси янгича мазмун касб этди. Инсониятни, уни ўраб турган борлиқ муҳитни муҳофаза қилиш зарурлиги аён бўлди. Чунки, инсоннинг ўзи, айниқса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси мисли кўрилмаган талафотлар кўраяпти. Масалан, XX асрнинг «70-йилларининг бошидаёқ АҚШ ерларидаги ҳамма ўсимликлар ишлаб чиқарган кислород саноат, транспорт, ҳайвонлар ва одамлар истемол қилган кислороддан камроқ бўлган. Мана бир неча ўн йилдирки, бу давлат кислород истеъмол қилиш бобида бошқа давлатларнинг боқувида яшаяпти. Юз йил муқаддам АҚШ ҳудудининг тўртдан уч қисми ерлар билан қопланган эди. Ҳозирги пайтда эса бу ўрмонларнинг тўртдан бир қисмигина қолди, холос. Биргина 1996 йилнинг ўзида 150 минг кв. км.га яқин майдондаги ўрмонлар кесилган. Сўнгги йилларда Амазонка дарёси ҳавзасида, Индонезияда, сайёранинг тропик ҳудудларида ўрмонларни интенсив тарзда кесиш ишлари олиб борилмоқдаки, бу аҳвол давом этса, курраи замин ўзини нафас олишига имкон бериб турган

яшил ўпкасидан бутунлай маҳрум бўлади» [6;127]. Фан ва техника ер шарининг барча қисмларига ўз тараққиёти билан етиб борди. Шу боис, ҳозирда сайёрамизнинг қарийб барча ҳудудидаги экологик муаммолар бир-бирларига ўхшашдир. Бугунги кунда табиатни муҳофаза этишнинг қуйидаги соҳалари мавжуд: атмосферани муҳофаза этиш; сув ресурсларини муҳофаза қилиш; тупроқ ресурсларини муҳофаза этиш; ўсимликлар олами (флора)ни муҳофаза қилиш; ҳайвонот олами (фауна)ни муҳофаза қилиш.

Бу тадбирларнинг ҳаммасининг асл мақсади табиатни, унинг энг олий маҳсули бўлган – инсонни муҳофаза этишдир.

Бугунги кунда табиатни муҳофаза этишнинг асосий соҳаларидан бири ўсимликлар оламини муҳофаза қилишдир. Бу эса бевосита атмосферани муҳофаза қилиш ишлари билан боғлиқдир. Атмосфера, асосан, кислороднинг захиралари билан қимматлидир. Ҳозир сайёрамизда кислород сарфи жуда кенгайган. Бугун миллиардлаб жонзотлар билан бир қаторда учаётган минглаб самолётлар, ракета­лар, ҳатто ҳар бир машина кислород сарф­лайди. Шу боис ер юзидаги баъзи мам­лакатларда кислород танқислиги сезилиб қолмоқда. Кислородни ишлаб чиқарадиган асосий манба эса – ўсимликлардир. Ўсимликлар дунёсини бойитишга эътибор, бугун экология соҳасидаги энг биринчи даражали вазифалардан биридир.

Инсоният тарихида пайдо бўлган маданий тадбирлар ичида ўсимликларга бағишланганлари жуда кўп ва самаралидир. Инсон ўз ҳаёти давомида доимо ўсимликлар билан ҳамроҳ бўлади. Ўсимликлар шаҳар ва қишлоқларнинг микроклимига ҳам таъсир этиб, ҳавони тозалаб туради ва ҳавода кислород миқдорининг доимо етарли даражада мавжуд бўлиб туришини таъминлайди. Ўсимликлар жамият учун беҳисоб озиқ-овқат, хом-ашё, дори-дармон, қурилиш материаллари ва бошқа соҳаларнинг асосий манбаидир. Улар ҳар хил кийимбош, ичимликлар тайёрлаш учун, шунингдек, чорва моллари учун асосий озуқа манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади, инсонларга завқ-шавқ берадиган эстетик лаззат сифатида ҳам бебаҳо аҳамиятга эга. Ер шарида мавжуд бўлган 500 минг ўсимлик турининг 6000 туридан инсон

кундалик ҳаётда фойдаланади. Шундан 1500 тури доривор гиёҳлар сифатида қимматга эгадир [7;6].

Республикамизда саноат учун хом-ашё ҳисобланган ўсимликлардан, шунингдек, мевали ўсимликлардан тартибсиз фойдаланиш натижасида уларнинг турлари камайиб, ноёб ўсимликларга айланиб бормоқда. Масалан, шувок, черкез, исирик, итсийғок, қуёнсуяк, етмак, шовул, ёронгул, анзур пиёзи, ёввойи анжир, ёнғок, омонқора, мармарак, зира, сумбул, бодом, тоғ пиёзи, ширач, суғур ўти, чиннигул, лолалар, кампирсоч ва бошқа кўпгина ўсимликлар кундан кун камайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бугун бизнинг вилоятларимизда кенг кўламда ўтаётган гул байрамлари, Наврўз байрамлари табиатнинг ана шундай ноёб эҳсони ҳисобланган ўсимликларни асрашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбек халқи минг йилликлар мобайнида табиатдаги гўзал ва фойдали ўсимлик турларини қадрлаб, парваришлаб келишган. Аввало аجدодларимиз табиат қўйнида мавжуд ўсимликларнинг ўзларини қадрлай билганлар, улардан самарали фойдаланганлар. Жумладан, дала-тоғларда ўсадиган исмалоқ, харрон, равоч, откулоқ, алкар, зирк, седона каби ноёб ўт-ўланлар ва гиёҳлардан озиқ-овқатлар учун ишлатишган. Ҳар бир ўзбек ҳовлисида гуллар билан бир қаторда хушбўй хид таратиб турадиган райҳон экиш расм бўлган. Азалдан деҳқонлар ўз пайкалларининг четига хушбўй печак экишган. Бу – деҳқонларнинг анъанаси бўлган. Бундай анъаналар кейинги пайтларда йўқолиб кета бошлаган.

Миллий анъаналаримиз орасида мевали ва манзарали дарахтларни парваришлаш алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқида «Кўчат эк, боғ ярат», «Ўзинг кўкарай десанг, дарахт кўкартир», «Бир туп тут эккан киши юз йил гавҳар теради», «Бирни кессанг, ўнни эк», «Шоҳ бўлсанг-да, гадо бўлсанг-да боғ ярат». «Яхшидан боғ қолади», «Боғ тақдири боғбон қўлида» каби ҳикматлар бежиз пайдо бўлган эмас.

Ҳозирги ёшларимизда маданиятнинг шундай қирраларини тарбия қилмоқдамизки, йўқолиб бораётган ўсимликлардан гербарий қилиш, гулдаста тузиш, уларни пайҳон этиш, уларни юлиш ва синдириш табиатга берилган

катта зарба сифатида баҳоланади. Шундай ҳаракатга йўл қўйганлар ҳатто қонун билан жазоланадилар. Табиий муҳит тараққиёт олдига ўз муаммоларини кўндаланг қўяётган, ер, сув ифлосланаётган, ўрмонлар, муҳим ўсимлик ва ҳайвонлар турлари йўқолиб бораётган бир пайтда тараққиёт суръати секинлашиши муқаррардир. Шу боис тараққиётга кўмаклашувчи табиий-маданий омиллар бугунги инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши табиий бир ҳолдир. Ижтимоий тараққиётга ёрдам берадиган табиий-маданий омиллар, ўзбек халқининг маънавий мероси бугунги кунимизда қуйидаги хусусиятларга эга.

Биринчидан, мазкур омиллар фуқароларни табиатга муҳаббат руҳида тарбиялайди.

Иккинчидан, инсоннинг табиатдан йироқлашиб кетишидан, айниқса ёшларда табиат гўзаллигидан завқ олиш ҳисси йўқолишидан асрайди.

Учинчидан, ўсимликлар, ҳайвонот оламини, ер ва сув захираларини эҳтиёт қилиб келажак авлодга бой ва соф тарзда етказишга хизмат қилади.

Тўртинчидан, тараққиёт суръатини пасайтирмаган ҳолда табиий муҳитни сақлаб қолиш имкониятларини яратади.

Шундай қилиб, халқимиз асрлар мобайнида ўйлаб топган табиий-маданий омилларни қидириб топиб, уларга қайта ҳаёт бахш этиш, янги-янги шундай омиллар яратиш инсониятнинг асосий уйи ҳисобланган табиатни асрлардан асрларга ўз ҳусну чиройи билан олиб ўтиш ва унда соғлом авлодлар яшаши учун шароит яратиш бугунимизнинг кечиктириб бўлмайдиган, долзарб вазифасидир.

Экологик анъаналарни тиклаш ва замонавий экологик маданиятни ривожлантиришда хориж мамлакатлари тажрибасидан ижодий фойдаланиш мумкин. Бу масалада Президент Ш.Мирзиёев 2018 йилнинг 2 феврилида «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омили» мавзусидаги йиғилишда маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳақида сўз юритар экан, хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади [4;1]. Ҳақиқатан ҳам чет эл тажрибалари асосида республикамизнинг барча ҳудудларида уларнинг табиий муҳити ва

маданий анъаналарини ўзида акс эттирадиган, экологик хавфсиз қурилиш материаллари асосида намунавий экоқишлоқлар барпо этиш мумкин. Бу аҳолини экологик маданият анъаналарини ўрганишга, ўз ҳаётида жорий қилишга ўргатишдан ташқари, мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонининг ортишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажаришда экологияга оид маданий кадриятларни асраш функцияси, энг аввало давлатнинг экологияга бўлган муносабатига, унда белгиланган вазифалар ва жамиятнинг стратегик мақсадига таянади. Мазкур функция мамлакатимизнинг умумижтимоий-маданий тараққиётига, этносиёсий стратегик мақсадига хизмат қилади.

Қисқача айтганда, инсон миллион йиллар мобайнида табиат билан ҳамкорлик қилди, унинг қўйнида яшаб келмоқда. Бугун табиат инсонни боқиш оқибатида катта талафот кўрди ва ёмон аҳволга келиб қолди. Энди инсон ўзи ҳам табиат учун қайғуриши лозим. Чунки, табиатнинг ҳалокати инсониятнинг ҳалокатидир. Мазкур муаммо ҳаёт-мамот масаласи эканини биз қанча эрта англаб ўз ҳаракатимизни шу асосга курсак, табиатни муҳофаза қилиш маданиятини барқарор этсак табиат ва инсониятнинг умри шунчалик боқий бўлади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 570 б.
2. Адолат борлиққа ёлғиз онадир: профессор Абдукодир Эргашев ва журналист Мурод Абдуллаев суҳбати // Тафаккур, 2011. – № 4. – Б. 5-6.
3. Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де Жанейра Декларацияси.  
[хтт/www.un.org](http://www.un.org)
4. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – аҳоли саломатлигини сақлашнинг муҳим омили //Халқ сўзи, 2018 йил, 3 февраль. – №23 (6981). – Б.1.
5. Новиков Э.А. Человек и литосфера. – Ленинград: Недра, 1976. – 159 с.
6. Тўраев В.А. Инсониятга глобаллашув таҳдидлари // Жаҳон адабиёти, 2003. – №12. – Б.126.



7. Файзиев Р. Ўзбекистонда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш тизими //Экология хабарномаси, 2016. – № 8 (184). – Б.6.
8. Қуронов У. Жаҳон экологик ҳаракати ва Ўзбекистон // Тафаккур, 2011. – №1. – Б.113-114.